

Маиший-Турмуш Соҳасидаги Жиноят Содир Этган Шахсларнинг Криминологик Ва Ушбу Соҳадаги Жиноятдан Жабрланувчиларнинг Виктимологик Тавсифи

Джумаев Фаррух Фармонович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш энг аввало жиноят содир этувчи шахсларнинг криминологик ҳамда жиноятдан жабрланувчиларнинг виктимологик аҳамиятга эга бўлган хусусиятлари илмий тадқиқ этилган. Муаллиф ўтказилган тадқиқотлар асосланиб, маиший турмуш муносабатлари соҳасида жиноят содир этган ва уларни содир этувчи шахсларнинг ижтимоий-хавфли қилмишлари, криминологик белгилари, психологик хусусиятлари, ғайриахлоқий қарашларини тадқиқ этиш орқали уларга хос бўлган барча зарур маълумотларни ўрганиш мумкин деган хулоса келган. Шунингдек мақолада маиший турмуш доирасидаги жиноят содир этилишини тақозо этувчи омиллар, уларнинг сабаб-шароитлари, вақти ва жойи, содир этган шахсларнинг ҳолати ўрганилган. Бундан ташқари, ўтказилган тадқиқот ва амалиёт таҳлилларига асосланган ҳолда маиший-турмуш доирасида содир этиладиган жиноят барвақт профилактикаси бўйича илмий хулосалар, тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маиший турмуш, оила турмуш, маиший соҳадаги руҳий зўравонлик, маиший соҳадаги иқтисодий зўравонлик, маиший соҳадаги жисмоний зўравонлик, маиший сабаб, носоғлом муҳит.

Маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш энг аввало жиноят содир этувчи шахсларни, хусусан уларнинг криминологик аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини илмий тадқиқ этишни тақозо этади. Шахс муаммоси жиноятчиликни ўрганувчи фанлар, биринчи навбатда, криминологиянинг предметини ташкил этади. Криминологлар олимларнинг тадқиқотларида жиноятчи, ҳар қандай шахс каби фаол мавжудот сифатида баҳоланади, бироқ мазкур тоифа шахсларнинг турмуш тарзи унинг шахсиятида ҳал қилувчи из қолдириши билан фарқ қилиши таъкидланган.

Дарҳақиқат, жиноятчи ва ундан жабрланганларнинг шахсини ўрганиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни тадқиқ этиш криминологик тадқиқотлар олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Зеро, жиноят содир этган ва ундан жабрланган шахсларни илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ўзининг мазмун ва моҳиятига эга¹ бўлиб, ушбу турдаги жиноятларни барвақт олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишни назарда тутаяди.

Жиноят содир этган шахсларга криминологик тавсиф бериш ва уларни статистик даражада ўрганиш, маълум туркумларига хос бўлган хусусиятларини аниқлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашни режалаштириш ва уни олдини олиш учун тегишли чоралар кўриш имконини

¹ Криминология: Дарслик / –Т., 2007. –Б. 84.

беради². Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маиший турмуш соҳасидаги жиноятчиликни барвақт олдини олишда жиноятчи билан бир вақтнинг ўзида ундан жабрланувчиларнинг, аниқроқ айтганда жиноятларнинг барвақт профилактикаси нуктаи назаридан қаралганда жабрланиш эҳтимоли бўлган шахсларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Зеро тадқиқотларда келтирилишича, Европанинг ривожланган мамлакатларида профилактик чора-тадбирларнинг 50 фоизи бевосита жиноятдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларнинг ҳар қандай турдаги қонунбузарлик ҳолатларидан жабрланишини барвақт олдини олишга қаратилади³.

Жиноятчилик ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганилганида, жиноятчи шахси ва унинг хусусиятлари ҳам ўрганилади⁴. Модомики, маиший турмуш муносабатлари соҳасида жиноят содир этган ва уларни содир этувчи шахсларнинг ижтимоий-хавфли қилмишлари, криминологик белгилари, психологик хусусиятлари, ғайриахлоқий қарашларини тадқиқ этиш орқали уларга хос бўлган барча зарур маълумотларни ўрганиш мумкин бўлади. Жиноятчининг ўзига хос шахсини тушунишда энг муҳими унинг криминологик хусусиятидир, чунки у ўзида бу тоифа шахсларнинг жиноят содир этишга олиб келувчи энг муҳим жиҳатларини акс эттиради.

Жабрланувчи шахсларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш эса уларнинг жабрланишига олиб келувчи виқтим омилларни тадқиқ этишни тақозо этади. Жиноятчи шахсининг ўзига хос хусусияти унинг ғайриижтимоий йўналишида бўлса, аксинча жабрланувчи шахсининг ўзига хос хусусияти унинг виқтим хулқ-атворида бўлади. Шунинг учун, қонунга бўйсунувчи шахслардан (жабрланувчи) фарқли ўлароқ, жиноятчининг ғайриижтимоий шахси махсус жиноятларни содир этишга ҳамда жабрланувчиларнинг виқтим хулқи муайян турдаги жиноятлардан жабрланишга ихтисослашганлиги билан фарқланади.

Маиший турмуш соҳасида жиноят содир этган шахсининг ижтимоий-демографик, криминологик тавсифини аниқлаш энг аввало унинг жинсига доир маълумотларни ўрганишни тақозо этади ва бу жараён ўзига хос равишда мураккабдир. Ушбу тоифадаги шахсларнинг жинсга оид маълумотлари таҳлил қилинганда, маиший соҳадаги жиноятларни содир этувчилар асосан эркак жинсига мансуб шахслар бўлиб, айрим тадқиқотларда уларнинг ҳиссаси 82 фоизни ташкил этиши илмий асосланган⁵. Тадқиқотлардаги мазкур хулоса илмий асосга эга ва унга қисман қўшилиш мумкин. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, маиший турмуш соҳаси нисбатан кенгроқ бўлиб, ўз ичига оила турмуш соҳасини ҳам қамраб олади.

Тадқиқот натижаларига асосланиб таъкидлаш жоизки, маиший турмуш соҳаси оила турмуш доирасидан нисбатан кенгроқ бўлганлиги сабабли, жиноят содир этган шахсларнинг деярли 85 фоизини эркак жинсига мансуб. Бундан ташқари аксарият ҳолларда эркаклар томонидан маиший турмуш соҳасидаги нисбатан оғирроқ турдаги жиноятлар содир этилиши аёллар жиноятчилигидан фарқли жиҳатидир⁶. Мазкур турдаги жиноятлардан жабрланиш миқдор кўрсаткичлари эркакларга нисбатан аёллар ҳиссаси юқорилигини кўрсатмоқда. Хусусан, ўтказилган тадқиқотларда маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг 78 фоизи аёл жинсидагилар, 22 фоизини эркак жинсидагилар ташкил этаётганлиги бўйича мутахассислар томонидан фикр билдирилган.

Криминологияда маиший турмуш соҳасида аёлларнинг умумий жиноятларни содир этишда иштирокининг миқдор кўрсаткичини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Умуман

² Абдурашулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: юрид. фан. док-ри. дисс.-я. –Т., 2006. –Б. 75.

³ Саиткулов Қ.А. Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликларнинг виқтимологик профилактикаси бўйича фаолиятини такомиллаштириш. Ю.ф.б.ф.д. Диссертация.–Т.: 2020. –Б.65.

⁴ Рахмонов Р.Н., Юлдашев М.Ш. Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ҳуқуқий маданиятнинг аҳамияти: Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2016. –Б. 134.

⁵ Муродов А.Ш. Ички ишлар органларининг оиладаги зўравонлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш. дисс.. 2019. –Б.70.

⁶ Алауханов.Е. Криминология: учебник. Алматы. 2008. С. 429.

олганда, жиноятларнинг содир этилишида аёллар иштироки эркакларга нисбатан кам. Шунга кўра, умумий жиноятларда аёл жиноятчилар миқдори 12-15 фоизни ташкил этади.

Бироқ маиший жиноятлар таркибида одам ўлдириш жиноятини содир этган аёллар қарийб икки баробар кўпдир. Аёллар ва эркаклар жиноятлари ўртасидаги бу каби фаркнинг мавжудлигига сабаб маълум бир ижтимоий омиллар мажмуи таъсирида аёл ва эркакларда ўзига хос бўлган ўзини тутиш каби хусусиятларнинг шаклланганлигидир. Қотиллик жиноятларида аёллар иштироки 3-4 фоизни; тан жароҳатларини етказувчи шахслар ичида 2-3 фоизни ташкил этади. Эркаклар ва аёллар жиноятчилигидаги бундай фарқлар уларнинг характерини ажратиб турувчи мураккаб ижтимоий омиллар мажмуи билан ифодаланади.

Маиший турмуш соҳаси жиноятчилигида аёллар ҳиссасининг пастлиги энг аввало уларнинг жисмоний ожизалиги, шунингдек оила ва жамиятдаги ўрнининг эркаклар билан тенгсизлигида намоён бўлади. Шунингдек аёллар эркакларга қараганда ҳам ахлоқий ҳам жисмоний жиҳатларга кўра заифроқ ҳисобланади ва бу ҳолат уларнинг маиший турмуш соҳасидаги жиноят айниқса унинг оғир турларини содир этишга тусқинлик қилади⁷.

Юқоридагилардан хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, аёлларнинг маиший турмуш соҳасида жиноят содир этишлари асосан уларнинг турмуш ўртоғи ёки бирга яшовчилари ва бошқаларнинг виқтим хулқ-атвори (тизимли мастлик, доимий низолар, таҳдидлар, қийноқлар ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг бошқа фактлари) билан боғлиқдир.

Бошқа томондан, аёллар томонидан содир этилган маиший жиноятларнинг деярли ярми катта даражада ўз шахсиятининг деформациясидан келиб чиққан (мастлик, жинсий бузуқлик ва ҳоказо.).

Ижтимоий-демографик хусусиятларнинг энг муҳим элементи жиноятчининг шахси бўлиб, унинг ёшига қараб белгиланади.

Тадқиқотларда кўпинча маиший жиноятлар 30 ёшдан 39 ёшгача бўлганлар томонидан содир этилганлиги аниқланган. Улар кўпроқ ушбу турдаги жиноятлар умумий сонининг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Кейинги ўринларни 25-29 ёшлилар ва ундан кейинги ўринда 40-49 ёшдагилар ҳиссасига тўғри келган⁸. Бу борада 300 нафар профилактика инспекторлари ўртасида ўтказилган сўровда, маиший турмуш соҳасидаги жиноятлар асосан қайси ёшдаги шахслар ўртасида содир этилади деган мазмундаги саволга уларнинг 35 фоизи 30 ёшдан 40 ёшгача, 61 фоизи 25 ёшдан 30 ёшгача, 3 фоизи 40 ёшдан 50 ёшгача, 1 фоизи 50 ва ундан юқори ёшдагилар томонидан содир этилишини таъкидлашган.

Криминологик адабиётларда жиний зўравонлик паст маданият ва интеллектуал ривожланиш муаммолари билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратилади. Шахснинг криминологик тавсифлашда маиший турмуш доирасида жиноят содир этган шахсларнинг маълумотига доир масалалар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, маиший турмуш соҳасида жиноят содир этганлик учун судланганлар орасида фақат 5,5 фоизи олий маълумотлилар; тўлиқ бўлмаган олий маълумотлилар 2,5 фоиз; ўрта махсус маълумотлилар 21 фоизни; умумий ўрта маълумотлилар 47,2 фоиз; тўлиқ бўлмаган ўрта маълумотлилар 23,8фоизни ташкил этган⁹.

Статистик маълумотлар таҳлиliga кўра, ушбу турдаги жиноятларни содир этган шахсларнинг 27 фоизи тўлиқсиз ўрта, 33 фоизи ўрта, 35 фоизи ўрта-махсус, 5 фоизи олий

⁷ Айрапетян М.Г., Погребатько Е.С., Личность преступника и жертвы в преступлениях семейно-бытовой направленности. <file:///C:/Users/i.guruh-01/Desktop/ёшлар%20бўйича%20ишчи%20гурух/lichnost-prestupnika-i-zhertvy-v-prestupleniyah-semeyno-bytovoy-napravlennosti.pdf>

⁸ Некрасов А.П., Насрединова К.А. Социально-демографическая характеристика личности преступника, совершившего бытовые преступления, и их причины // Вестник Челябинского государственного университета. 2015. № 4. С. 161.

⁹Харламов В. С. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье (системное криминологическое и уголовно-правовое исследование) : дис. ... докт. юрид. наук : 12.00.08. Санкт-Петербург, 2018. С. 377.

маълумотлиларни ташкил этган. Мазкур тақдим этилаётган маълумотларни реаллигини асослантириш мақсадида “Маиший турмуш соҳасидаги жиноятларни кўпроқ содир этган шахсларнинг маълумот даражаси қандай” деган мазмундаги саволга ўтказилган сўровда иштирок этган профилактика инспекторларининг 45 фоизи тўлиқсиз ўрта, 30 фоизи ўрта, 17 фоизи ўрта-махсус, 8 фоизи олий маълумотлилар деб жавоб беришган.

Ушбу тоифадаги жиноятчилар орасида паст таълим даражаси ҳуқуқий маданиятнинг пастлигидан далолат беради, интизомсизлик, тор фикрлаш, ёмон танқидий фикрлаш ижтимоий қадриятлар ва ахлоқ нуқтаи назаридан ўз хатти-ҳаракатлари, шунингдек низоларни биринчи навбатда жисмоний куч билан ҳал қилиш тенденцияси ва ҳ.к.. Аксинча маълумот даражаси юқори бўлган шахслар томонидан маиший турмуш доирасидаги жиноятлар нисбатан камроқ содир этилган бўлиб, бундай ҳолат уларнинг ҳуқуқий маданият даражаси юқорилиги ҳамда маиший масалалардаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишда замонавий дунёқараш соҳиби бўлганликларидан далолат беради.

Маълумот даражаси паст бўлган шахслар ўз навбатида юқори маош бериладиган ишларда ишлашдан маҳрум бўлади ва бунинг натижасида ўзини, қолаверса оиласининг эҳтиёжини қондиришда қийинчиликларга дуч келишади, шунингдек улар оғир шароитда жисмоний кучидан фойдаланиб ишлашга мажбур бўлишади. Кўпгина ҳолларда оғир меҳнат қилаётган шахслар ўртасида спиртли ичимлик истеъмол қилишга уюшганликни кузатиш мумкин. Мазкур омиллар эса уларни маиший турмуш соҳасида низоли ҳолатларни юзага келтиради ва аксарият ҳолларда улар томонидан жиноят содир этилиши тақозо этади.

Шундай қилиб, таълим олишдаги камчиликлар, интеллектуал ва маънавий қашшоқлик маиший муҳит иштирокчиларида ўзаро турли зиддиятли вазиятларни яратишга мойилликни шаклланишига хизмат қилади. Бундай шахсларнинг ўзини-ўзи танқид қилиш қобилияти паст, дунёқараши тор, ибтидоий эҳтиёж ва манфаатлар бор, шунинг учун улар орасида кўпол жисмоний кучга ишониш кўпроқ учрайди¹⁰.

Бу соҳада жиноят содир этганларнинг аксарияти бирон фаолият билан шуғулланишмайди. Натижада эса уларнинг жамиятга қарши ғайриижтимоий қилмиш содир этишларига имконияти ва ортиқча вақти бўлади. Ишсизлик меҳнатга лаёқатли одамни кўпинча ижтимоий дисадаптацияга олиб келади, жамоада фойдали алоқаларни йўқотиш ва кўпинча молиявий ночорлик оилавий низоларни келтириб чиқаради. Ишга салбий муносабат ва паразит турмуш тарзига мойиллик шахсий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади, оила аъзолари, ота-онаси ва яқин танишлари билан муносабатларни кескинлашувига олиб келади ва оқибатда жинорий вазиятларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Жиноят содир этишда иштирок этган шахсларнинг ижтимоий мавқеи ва касби тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, профилактик чора-тадбирларни айнан муайян касб эгаларига манзилли йўналтиришга хизмат қилади. Ҳуқуқбузарларнинг мутлак кўпчилиги яъни 58,2фоизни доимий даромад манбаи бўлмаган шахслар; 22,8 фоизни малакасиз ишчилар, 6,5 фоизни талабалар, 5,1 фоизни ходимлар, 4,5 фоиз пенционерлар, 2,9 фоиз хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаган¹¹.

Ушбу жиҳатдаги криминологик тадқиқотларнинг умумий тенденцияси доимий даромад манбаи бўлмаган (58,2 фоиз) ишсизларнинг максимал криминогенлигини акс эттиради. Ундан кейинги ўринда муайян иш жойга эга, бироқ малакасиз ишчилар (22,8 фоиз)ни ташкил этади. Кам нуфузли жисмоний меҳнат, унинг монотонлиги ва чарчаши одамларнинг ижодга бўлган иштиёқини йўқ қилади, кўп жисмоний ва ақлий куч сарфлайди ва физиологик имкониятларни тиклаш учун муайян шарт-шароитларни талаб қилади.

Маиший муносабатлар соҳасидаги жиноятчи шахсини тўлиқ криминологик тавсифлаш учун унинг ижтимоий фаолиятининг ўзига хос шакллари тизимида таҳлил қилиш керак. Бир қатор

¹⁰ Шестаков Д. А. Семейная криминология: криминофамилистика. Санкт-Петербург : Изд-во «Юридический центр Пресс», 2003. С. 108.

¹¹ Харламов В. С. Теория и практика противодействия преступному насилию в семье. С. 378.

тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фақат бир нечта маҳаллий жиноятчилар ўзларини нафақат жиноят содир этиш муҳитида, балки ижтимоий фаолиятнинг бошқа шаклларида ҳам салбий кўрсатдилар.

Шундай қилиб, уй жиноятчисининг ҳаётий фаолиятини кўриб чиқаётганда, бир қатор ҳолларда оилада одам ўзини золим сифатида кўрсатса, лекин ишда у интизомли, мулойим, вазмин бўлса, “бўлинган шахсият” кузатилади.

Намунавий тадқиқотлар натижаларига кўра, маиший соҳада жиноят содир этган ўрганилган шахсларнинг қарийб 60 фоизи иш жойида ижобий тавсифланган, жиноятчиларнинг атиги 20 фоизи яшаш жойида ижобий белгиларга эга. Ушбу қарама-қаршиликнинг келиб чиқиши асосан роль назарияси билан изоҳланади.

Алкоголь чалинганларнинг аксариятида ўзига ишонч йўқолиши оқибатида, рашкчи, ҳасадгуй, сал нарсага жаҳли чиқадиган, тез хафа бўладиган ҳолатга тушиб қолишади. Бундай ҳолатларни шахсда шаклланиши, уларнинг турли вазиятларда ўзини бошқара олмасликка ва бунинг натижасида ғайриижтимоий қилмиш содир этишига олиб келиши билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам маиший турмуш соҳасидаги жиноятларнинг аксарияти спиртли ичимлик истеъмол қилиш билан ифодаланилади. Унинг хавфлилиги шундаки, шахс ҳушёр пайтида қилолмаган жиноятини содир этишга куч олади.

Жиноятчи шахсини ўрганиш учун жиноий тажовуз йўналишини ва маҳаллий жиноятчиларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворининг барқарорлик даражасини аниқлашга имкон берадиган жиноий-ҳуқуқий хусусиятлар катта қизиқиш уйғотади.

Статистик маълумотларга кўра, уларнинг деярли ҳар учдан бир қисми аввал турли жиноятлар учун судланган, ярмига яқини эса икки ва ундан ортиқ мартаба судланган. Маҳкумларнинг 35 фоиздан ортиғи, айниқса, маиший жиноятлар учун хавфли такрорий жиноятчилардир. Шу билан бирга, безорилик учун биринчи марта судланган такрорий жиноятчилар кейинчалик маиший низолар туфайли жисмоний шахсларга нисбатан оғир жиноятлар содир этганлар.

Маиший турмушда содир этиладиган жиноятлар жиноятчи ва жабрланувчиларнинг бирга яшаш жойида: алоҳида хонадонларда (70 фоиз), умумий ҳовлини хонадонларда (14 фоиз), ётоқхоналарда (6 фоиз), кўча-кўйда ва бошқа жамоат жойларида (10 фоиз) содир этилади.

Бу жиноятларнинг яна бир белгиси эса уларнинг асосан оила ва кўни-кўшнилар ўртасида содир бўлишидир. Тўғри, бу борада, яъни уй-жой масаласининг мамлакатимизда ўринли ҳал этилганлиги айнан оила ва кўни-кўшнилар ўртасида бўладиган низоларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келди.

Маиший соҳада жиноят содир этган шахснинг жиноий-ҳуқуқий хусусиятларига келсак, хорижий давлатлар тадқиқотчилари, хусусан Л.В.Сукдюк келтирган маълумотларга кўра, ушбу тоифадаги жиноятчиларнинг ҳар учдан бири аввал жиноят содир этган бўлиб, улар орасида ўғирлик (36 фоиз) устунлик қилади, талончилик (9 фоиз), талончилик (4 фоиз), ўзганинг мулкини қасддан йўқ қилиш ёки шикастлаш (2 фоиз), фирибгарлик ва товламачилик (1 фоиз), шунингдек зўравонлик жиноятлари (24 фоиз), шу жумладан жинсий жиноятлар (6 фоиз) учрайди.

Жабрланувчилар ва жиноятчилар ўртасидаги муносабатларнинг табиати, жиноят содир этилган пайтдаги ижтимоий ва маиший алоқалари жуда муҳим ва криминологик аҳамиятга эга. Бундан ташқари, жабрланувчи ва жиноятчи ўртасидаги боғлиқлик (муносабат даражаси, ривожланиш интенсивлиги, давомийлиги ва бошқалар бўйича) қанчалик яқин бўлса, маиший соҳадаги жиноятдан жабрланиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлиши аниқланган. Маиший соҳадаги жиноят жабрланувчилари асосан аёллардир. Бунинг сабаби - гендер тенгсизлиги, жабрланувчининг руҳий ҳолатига таъсир қилувчи ва унинг хатти-ҳаракатларининг қурбонлигини белгиловчи тарихий, ижтимоий-маданий, иқтисодий ва сиёсий омилларнинг таъсиридир.

Маиший соҳада зўравонликка учраган аёллар қуйидаги умумий белгилар билан

тавсифланади:

улар ўзини паст баҳолайдилар;

ҳақоратли муносабатлар ҳақидаги ҳамфикр бўлишади;

аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни, “аёллар тақдири” ҳақидаги анъанавий ғояларга амал қилиши;

айбдорлик туйғусидан азоб чекиш ва ҳуқуқбузарга нисбатан ғазаб ҳисини рад этиш;

асосан пассив, лекин шу билан бирга омон қолиш учун бошқа зўравонлик ҳаракатларидан қочиш;

маиший соҳада айниқса оилада зўравонлик муаммосини ҳал қилишда уларга ҳеч ким ёрдам бера олмаслигига ишонч ҳосил қилади.

Кўпинча кекса одамлар ва маълум ақлий хусусиятларга эга, ақлий заиф ёки бошқа ақлий нуқсонлари бўлган шахслар оилавий зўравонлик қурбони бўлишади. Европа мамлакатларида ҳар беш нафар боладан биттаси (5/1) маиший турмушда зўравонлик қурбони бўлади. Бу уларнинг ночорлиги, ўз ҳаракатларини ва бошқаларнинг ҳаракатларини назорат қила олмаслиги ва тўлиқ тушуна олмаслиги билан боғлиқ. Яъни, улар кўпинча зўравонлик қўллаш фактини ва ҳуқуқбузарнинг хатти-ҳаракатининг ноқонунийлигини тушунмасликлари мумкин. Бундай одамлар зўравонлар учун осон ўлжа бўлишади, улар осонликча уриб дўппослаши ва ғазабини кўрсатиши мумкин.

Маиший жиноятнинг оғирлигига қараб жиноятчилар ва жабрланувчиларнинг таълим даражаси ўртасидаги муносабатларнинг қиёсий таҳлили аниқланади. Жиноятларнинг оғирлиги ошгани сайин, маълумот даражаси паст бўлган жабрланувчилар салмоғи ортади ва шунга мос равишда жиноятчиларга нисбатан маълумот даражаси юқори бўлган жабрланувчилар улуши ҳам камаяди. Шундай қилиб, кўпинча оғир зўравонлик жиноятларини оилада ўз жабрланувчисидан юқори маълумотга эга бўлган шахслар, унчалик оғир бўлмаган жиноятларни эса ўз қурбонларидан пастроқ бўлган шахслар содир этадилар.

Умумий қонуният қуйидагича: оилада зўравонлик содир этган шахснинг билим даражаси қанчалик юқори бўлса, ундан жабр кўрган шахснинг билим даражаси шунчалик паст бўлади ва аксинча¹².

Жиноят содир этиш пайтидаги мастлик ҳолати, нафақат айбдорларнинг, балки уларнинг қурбонлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қоида тариқасида, маст бўлган одамларнинг қаршилиги заифлашгани сабабли уларга ҳужум қилиш осонроқ. Бундан ташқари, бундай шахслар кўпинча низолар ва можароларнинг провокаторлари бўлиб, кейинчалик жинойий ҳужумларга айланиши мумкин.

Оила ва маиший муносабатлар соҳасидаги жиноятчиликнинг ривожланишига айрим иллат ва ҳодисалар сезиларли таъсир кўрсатади. Булар ичкиликбозлик, фоҳишалик, гиёҳвандлик, ижтимоий паразитизм, ҳуқуқий нигилизм, эътиборсизлик ва бошқалар каби ғайриижтимоий салбий ҳодисалардир. Шунини таъкидлаш керакки, улар нафақат жабрланувчининг, балки ҳуқуқбузарнинг ҳам қурбонлигига таъсир қилади.

Ўз тадқиқотларида таъкидланганидек, А.Н. Иляшенконинг сўзларига кўра, сўровда қатнашган жиноятчиларнинг ярмидан кўпи жиноят содир этишдан олдин жабрланувчи ўзини тажовузкор ва қўпол тутганини таъкидлади.

Бундан ташқари, респондентларнинг 26 фоизи жабрланувчи ўзини ёки бошқа оила аъзоларини ҳақорат қилгани ёки камситганини, 11 фоизи жабрланувчи ўлдириш ёки баданга шикаст етказиш билан таҳдид қилганини, тахминан 10 фоизи жабрланувчи уларга жисмоний оғриқ келтирганини таъкидлаган. Шундай қилиб, маиший жиноятларда тажовузкор

¹² Айрапетян, М. Г. Личность преступника и его жертвы в преступлениях семейно-бытовой направленности / М. Г. Айрапетян, Е. С. Погребатъко // Science Time. — 2016. — № 12 (36). — С. 25—29.

провокадор ролини ҳар доим ҳам жиноятчининг ўзи ўйнамайди - баъзида жабрланувчининг жиноятдан олдин ҳам, жиноий ҳужум пайтида ҳам бўйсунувчи хатти-ҳаракати ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, психологик ва ҳулқ-атворида асоциал ҳодисаларнинг таъсири сезилган жабрланувчи онгли ёки онгсиз равишда ҳуқуқбузар шахсни эътиборини оширади ёки пассив ҳолатда бўлиб, унга нисбатан қўлланиладиган зўравонликнинг моҳиятини англамайди ва етарли даражада баҳолай олмайди.